**Ушбу сонда:**
2 «ИШОНЧ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР
3 ЮРТИМИЗ СИҲАТГОҲЛАРИ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 30 июл, шанба № 121 (1962)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ЭНГ ҚАДРЛИ ОЛТИН МЕДАЛ

***Самарқанд тиббиёт институти талабалари кўп йиллардан буён халқаро илмий конференцияларда муваффақиятли иштирок этиб, яхши натижаларга эришиб келмоқда. Россиянинг Нижний Новгород шаҳрида бўлиб ўтган болалар жарроҳлигига оид халқаро илмий-амалий анжуманда институт талабаси Наира Давидян олтин медал билан тақдирланди.***

- Илмий изланишларимни биринчи курсданоқ бошлаганман, - дейди институтнинг тўртинчи босқичида ўқиётган Наира. - Репродуктив саломатлик, ривожланиш даврида болаларда учрайдиган турли хасталикларни даволаш, янги туғилган чақалоқларда жарроҳлик усулларини қўллашга оид изланишларим соҳа мутахассислари ва олимлар томонидан юқори баҳоланди.

Ғолибанинг изланишлари акс этган маъруза матни Нижний Новгород тиббиёт академиясида чоп этиладиган тўпламга киритилди.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Тошкент тиббиёт академияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисида» 2005 йил 19 июлдаги ПФ-3629-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:***

1. Тошкент тиббиёт академиясининг бошқарув ва хизмат кўрсатувчи ходимларининг чекланган сони 1006 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 103 нафар бўлган ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

Тошкент тиббиёт академияси ректорига, зарурат бўлганда, Академия тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

2. Қуйидагилар Академиянинг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни сифат жиҳатидан яхшилаш мақсадида юқори малакали тиббиёт кадрлари тайёрлашни таъминлаш ва соғлиқни сақлаш тизими тузилмасини такомиллаштиришда қатнашиш;

илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида ўқув жараёнини ташкил этишни янги мазмун билан тўлдириш;

бўлажак тиббиёт мутахассисларини ўқитишни улар даволаш амалиётининг аниқ кўникмаларини эгаллаб олиши билан биргаликда таъминлаш;

тиббиёт кадрлари тайёрлашнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, атроф муҳитдаги экологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда врачлар фаолиятида профилактика йўналишини шакллантириш;

тиббиёт кадрлари тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича республикадаги етакчи таълим муассасаси сифатида, шунингдек тиббиёт, соғлиқни сақлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш бўйича мамлакатнинг тиббиёт олий ўқув юртларини мувофиқлаштириш ва уларга методик раҳбарлик қилиш;

тиббиёт педагогика кадрларида ватанпарвар фуқаро туйғуларини, юксак профессионализм ва маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантирган ҳолда уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

тиббиёт кадрлари тайёрлаш бўйича Ватанимиздаги ва хориждаги илғор тажрибани ҳисобга олиш ва тизимлаштириш ҳамда уни республиканинг олий тиббиёт таълими тизимига жорий этиш.

3. Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг Урганч филиали ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг Фарғона филиали Тошкент тиббиёт академиясининг тегишли филиалларига қайта номлансин.

4. Белгилансинки, Тошкент тиббиёт академияси ҳамда тегишли равишда унинг Урганч ва Фарғона филиаллари:

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти, Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти, Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти Фарғона филиалининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва тузилган шартномаларининг;

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти, Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти, Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиали ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти Фарғона филиалининг балансида бўлган мол-мулкнинг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси ректори бир ҳафта муддатда Академиянинг асосий вазифаларидан ва фаолияти йўналишларидан келиб чиқиб Илмий кенгашни шакллантирсин. Илмий кенгаш мамлакатда тиббиёт соҳасида тайёрланадиган мутахассислар ва олимларнинг даражаси ва сифатини ошириш ишида етакчи тузилма сифатида Академияни ташкил этиш ва шакллантириш жараёнида ректоратга муҳим таянч бўлиши керак.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Тошкент тиббиёт академияси ва унинг филиаллари фаолияти жорий йилда Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтлари ва уларнинг филиалларига ажратилган бюджет маблағлари доирасида молиялаштирилишини таъминласин;

тугатилаётган Биринчи ва Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтлари ва уларнинг филиаллари профессор-ўқитувчилар таркибининг умумий сонини сақлаб қолсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Тошкент тиббиёт академияси раҳбарияти билан биргаликда бир ой муддатда Академия уставини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

8. Қуйидагилар:

даволаш факультети ҳамда Олий ҳамширалик иши факультети тугатилган Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти корпусларида;

стоматология, тиббий-профилактика ва тиббий-педагогика факультетлари собиқ Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти корпусларида жойлаштирилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А.Тўхтаев) Тошкент тиббиёт академияси ҳудудлари ўртасида автобус йўналишини ташкил этсин. Йўналиш талабалар ётоқхоналарига туташиб кетган кўчалар бўйлаб ўтишини назарда тутилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров), Тошкент тиббиёт академияси (Ш.Каримов):

қабул комиссиялари фаолиятида бирор-бир таъмагирлик ва порахўрлик ҳолларини, абитуриентларнинг Академияга таниш-билишчилик ва бошқа субъектив сабаблар билан киришини истисно этиш учун қўшимча чора-тадбирлар кўрсинлар;

клиник базаларнинг республика ва шаҳар даволаш-профилактика ва санитария муассасаларида жойлашишини ҳисобга олган ҳолда кафедраларнинг сони, таркиби ва жойлаштирилишини бир ой муддатда мақбуллаштирсинлар, бунда уларнинг такрорланиши ва параллел мавжуд бўлиши истисно этилсин;

Тошкент тиббиёт академияси ва унинг филиаллари профессор-ўқитувчилар таркибини белгиланган тартибда танлов асосида танлаб олсинлар.

10. Тошкент шаҳар, Фаробий кўчаси, 2-уй Тошкент тиббиёт академиясининг юридик манзили этиб белгилансин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 29 июл



*Поп жамоли*



Х.МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

***Сардоба туманидаги Работ қишлоғи ўзига хос тарихга эга. Бу ерда чўлқуварларнинг бир неча авлоди яшаб ўтган. Қишлоқнинг чор тарафидан газ қувурлари тортилганига қарийб ярим асрдан ошган. Аммо работликлар бу имкониятдан бебаҳра қолаверди.***

## БУ КУННИ БОБОЛАР ҚАНЧАЛАР КУТИШГАН

Қатор йиллар ушалмаган орзу истиқлол айёми арафасида ижобат бўлди. "Сирдарёгазтаъминот" ҳудудий корхонаси, вилоят ягона инжиниринг компанияси ва Янгиердаги қурилиш-монтаж участкаси жамоалари саъй-ҳаракати билан қарийб беш юз чақиримлик масофага газ қувурлари тортилди. 300 хонадонли қишлоқ уйларида "зангори олов" порлади.

- Қишлоқни газлаштириш азалий орзуимиз бўлган, - дейди оқсоқоллардан бири. - Аммо шўро даврида бунинг уддасидан чиқилмади. Ҳаракатларимиздан ҳеч бир натижа чиқмади. Истиқлол шарофати, ҳукуматимиз эътибори туфайли хонадонларимизда маъмурчилик рўй берди.

Сирдарё вилоятида чекка ҳудудларни газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашга амалдаги йилда жиддий киришилганлигини эътироф этиш даркор. Йил бошидан режалаштирилган ишларнинг аксарияти амалга ошмоқда. Оқолтин тумани "Шодлик" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Найман қишлоғи ҳам худди Работ сингари орзуси ушалмасдан келаётган ҳудуд эди. Найманликлар ҳам қумғону ўчоққа ошно эди. Туман мутасаддилари ташаббуси билан уч минг метрлик масофага газ қувурлари ётқизилиб, давлат маблағи ҳисобидан газ иншооти барпо этилди.

- Таъкидлаш жоиз, туманимизда газ ва тоза ичимлик суви масаласида қатор муаммолар бор эди, - дейди туман ҳокимлиги бош мутахассиси Зуҳриддин Пазлиев. - Амалдаги йилда аҳоли турмуш-тарзини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган фурсатда Фарғона қишлоғига тоза булоқ суви етказиб берилди. Бўстон, Мардон қишлоқлари табиий газ билан таъминланди. Айни чоғда битта қишлоққа газ етиб бормаган. Шу қишлоқни ҳам газлаштириш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

Тоза сув — танга дармон, саломатлик кафолати. Бу эҳтиёжни тўлароқ қондириш кун тартибидаги долзарб масалага айлантирилганлиги диққатга сазовордир. Вилоят ҳокимлиги эрта кўкламданоқ бунга эътибор қаратди. Махсус фармойишга асосан ҳудуддаги ичимлик сув тармоқлари, қудуқларни таъмирлаш ва ишга тушириш, зарур жиҳозларни харид қилиш учун маҳаллий бюджетдан 57 миллион сўм ажратилди. Бу хайрли ташаббус бугун ўз самарасини бераяпти. Бир сўз билан айтганда, аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида вилоятда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

**Н.ШАВКАТОВ**

*Ёзги соғломлаштириш - юксак масъулият*

## БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ

***Кексаларимиз дуога қўл очганларида "Илоё, топганларинг тўйларга буюрсин, бошинг тўйдан чиқмасин", деб дуо қиладилар. Бу бизнинг болажон халқимизга хос бўлган хислат. Зотан, ўзбек халқи орзулари рўёбини аввало фарзандлари камолида кўради. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт" - дея, эртанги кунимизнинг ёруғ истиқболига чексиз ишонч билдирган эди. Чунки келажак ёшлар қўлида, уларни жисмонан бақувват, ақлан баркамол, маънан юксак инсонлар этиб тарбиялаш, камол топтириш энг долзарб вазифалардандир.***

Айни кунларда юртимизда кўплаб оромгоҳлар фарзандларимиз учун ўз фаолиятини олиб бормоқда. Республикамизнинг хушманзара гўшаларида жойлашган сўлим масканлар дам олувчиларнинг маънавий ривожланиши, соғлигини мустаҳкамлаш, қизиқарли ўйинлар ва спорт мусобақалари ўтказиш орқали ҳаётларида ижобий ўзгаришлар ясашга эришилмоқда.

**Мустақиллик йилларида қўлга киритилган катта ғалабалар қаторида соғлом авлодни шакллантириш йўлидаги буюк ишлар алоҳида қадрлидир.**

Ана шундай савобли ишга доҳил бўлиш мақсадида Республика Хотин-қизлар Қўмитаси Тошкент шаҳри ва вилояти ҳамда Самарқанд вилоятининг айрим кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини ёзги дам олиш оромгоҳларида бепул дам олишларини ташкил этди. Масалан, Республика Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги "Оқтош" болалар ёзги дам олиш оромгоҳига уч мавсумга 50 нафар кишига бепул йўлланмалар берилган бўлса, уларнинг 30 нафари Самарқанд вилояти болажонларига ажратилди.

Чкалов номидаги Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли "Гулистон" ёзги дам олиш оромгоҳига 10 нафар, Тошкент Трактор заводига қарашли "Билдирсой" оромгоҳига тўрт мавсумда 15 нафардан болажонларнинг дам олишлари ташкил этилди.

Шунингдек, дам олувчилар учун оромгоҳ раҳбарияти томонидан барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган бўлиб, ўғил-қизлар концерт дастурлари, қизиқарли учрашувлар, спорт мусобақалари, маънавий ва маърифий тадбирлар ўтказиб борилиши муносабати билан ғоятда мароқли, ҳузурбахш онларнинг гувоҳи бўлишяпти.

Буюк футбол қироли Пеле "Болаларга беринг дунёни, ҳеч бўлмаганда бир кунгагина беринг" деганида бутун стадион бу чақириққа қўшилиб ҳайқирган эди. Бугун биз фарзандларимиз учун, уларнинг камолоти учун бор имконият эшикларини очар эканмиз эртага улар шу юртнинг эгалари сифатида, истиқлол фарзандлари сифатида бор куч-ғайратларини шу юрт истиқболи учун сарфлайдилар.

Маълумки, жисмоний ва маънавий мукаммалликка спортга меҳр қўйиш орқали эришилади. Спорт ҳар бир йигит-қизнинг кундалик эҳтиёжига айланиб, доимий ҳамроҳи бўлиб қолсин, дея давлатимиз беқиёс меҳрибонлик кўрсатиб келяпти. Зеро, Республика Хотин-қизлар Қўмитаси ташаббуси билан кўплаб спорт тадбирларининг ўтказилиши ҳам шу эзгу мақсадга қаратилгандир.

Республикамизда стол тенниси ва синхрон сузиш билан шуғулланувчи ёш спортчиларни Навоий тоғ-кон металлургия комбинатига қарашли "Олимпик" ёзги дам олиш оромгоҳида дам олишлари ташкил этилди.

"Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак", - деган ақидага амал қилаётган Республика Хотин-қизлар Қўмитаси яна бир хайрли ишни амалга оширди. Ҳукуматга қарашли бўлмаган "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси тасарруфидаги Оила тиббий маркази қошида очилган "Қуёшча" соғломлаштириш тиббий марказида кам таъминланган оилалар фарзандлари ва қандли диабет касаллиги билан касалланган болажонларнинг дам олишлари ташкил этилди. Ушбу марказда болажонлар олти мавсумда 12 кундан дам олдилар ва саломатликларини бирмунча тиклашга эришдилар. Улар учун малакали шифокорлар туну-кун хизматда бўлдилар. Мунтазам равишда спорт мусобақалари бўйича ташкил этилган турли хил тадбирларда беллашдилар, рақс тушиб, қўшиқ айтдилар. Қолаверса, табиат қўйнига сайрга чиқиб, боғларда, музейларда бўлдилар. Ўн икки кунлик дам олиш мобайнида болажонлар завқ-шавққа тўлган ҳолда қайтдилар.

Истиқлолнинг қутлуғ ўн тўрт йили мобайнида қўлга киритилган улуғ ғалабалар қаторида соғлом авлод яратишдек буюк ишлар алоҳида ўрин тутади. Зеро, фарзандлари соғлом юрт қудратлидир.

**Феруза ОРИПОВА,**
**Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси**

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

**Нигерияда кема ҳалокати туфайли 200 киши курбон бўлди. Фожиа мамлакатнинг Ондо вилояти қирғоқларига яқин жойда рўй берди. Хабарларга кўра, кема сув остидаги қоя билан тўқнашиб, иккига бўлиниб кетган.**

* * *

*Панамада Кариб ҳавзаси давлатлари уюшмасининг (ҚДУ) саммити бошланди. Унда халқаро террорчилик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳамда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама этилмоқда.*

*ҚДУ бош котиби Рубен Силиенинг айтишича, уюшма ташкил этилгандан буён унга аъзо мамлакатлар ўртасида сайёҳлик ҳамда табиий офатлар чоғида ўзаро ёрдам кўрсатиш борасидаги самарали ҳамкорлик яққол кўзга ташланмоқда. Бироқ транпорт ва савдо соҳасидаги алоқалар бирмунча суст.*

*Саммит кун тартибидан минтақада қашшоқлик ва очарчиликка барҳам бериш, ОИТСга қарши кураш ҳамда тўфонлар етказадиган талафотларни биргаликда бартараф этиш каби масалалар ҳам ўрин олган.*

* * *

**Хитой маданият вазирлиги қўшиқчиларга концертларда фонограммадан фойдаланишни тақиқлаб қўйди. «Саут чайна морнинг пост» газетасининг ёзишича, бу қоидага амал қилмаган санъаткорга 100 минг юан (12 минг АҚШ долларига тенг) жарима солинади. Кейин у икки йил мобайнида яна фонограммадан фойдаланса, бутунлай саҳнадан четлаштирилади.**

**Янги қоидага кўра, қўшиқчилардан ташқари, фонограммалардан тузилган концерт ташкилотчилари ҳам жазога тортилади.**

**(ЎзА)**

*«Ишонч» бонг уради*

## КЎЗБЎЯМАЧИЛИК, ЛОҚАЙДЛИК

### бюджет маблағларини талон-торож қилган, инсон умрига зомин бўлганлар

***Республикамиз ҳукумати, Президентимиз энг бебаҳо бойлик - фуқаролар саломатлигини сақлаш ва муҳофаза этиш йўлида беқиёс меҳрибонлик кўрсатиб келмоқда. Ана шу мақсадда "Сиҳат-саломатлик йили"да кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Энг замонавий шифо масканларини бунёд этиш, мавжудларини таъмирлаш, уларни малакали кадрлар ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш учун маблағ аялмаяпти. Ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракат ўзининг кутилган натижаларини бермоқда. Буни Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси ва унинг тизимига кирувчи муассасалардаги ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин.***

***Аввало "Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодирдир" мавзуида вилоятдаги Олий ўқув юртлари, Ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари, Академик лицейлар, Умумтаълим мактаблари ҳамда маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишлари қизғин олиб борилмоқда. Камқонлик касаллиги аниқланган аёлларни даволаш учун дори-дармонга 110,2 миллион сўм ажратилганлиги, тиббий кўрикдан ўтган 45 минг 394 нафар туғиш ёшидаги экстрагенитал касалликларига чалинган аёллар соғломлаштирилганлиги ана шу эътиборнинг яна бир кўринишидир. Эл саломатлиги йўлида амалга оширилган бундай хайрли ишларни яна келтириш мумкин.***

Бироқ шундай бўлса-да, Сиҳат-саломатлик йили Давлат дастури юзасидан белгиланган тадбирларни амалга ошириш борасида баъзи жойларда жиддий камчиликлар, муаммолар мавжудлиги аён бўлмоқда. Ажабланарли томони шундаки, кўзбўямачилик, лоқайдлик каби чиркин иллатлар оқибатида бюджет маблағларини талон-торож қилиш, инсон умрига зомин бўлишдек ҳолатлар ҳам содир этиляпти. Вилоят ҳокимининг "2004 йилда вилоятдаги ижтимоий соҳа муассасаларини мукаммал таъмирлаш ҳамда янги мактаб биноларини қуриш манзилли дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ махсус дастур ишлаб чиқилганди. Унга кўра 66 та соғлиқни сақлаш муассасаларини 3,7 миллиард сўмга, шундан 9 таси, яъни Бекобод, Бўстонлиқ, Бўка, Юқори Чирчиқ, Тошкент, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Янгийўл туманлари ҳамда Оҳангарон шаҳридаги тез ёрдам бўлимларини мукаммал таъмирлаш мақсадларига 360,8 миллион сўм ажратиш кўрсатилган.

Афсуски, масалага бирёқлама ёндошиш, имкониятдан унумли фойдаланмаслик ва энг ёмони шахсий манфаатни кўзлаб иш юритиш салбий оқибатларни келтириб чиқарди. Масалан, 2005 йилнинг 10 май ҳолатига 7 та тез ёрдам бўлимлари 264,7 миллион сўмга таъмирланган холос. Бўка ва Юқори Чирчиқ туманларидаги объектларни таъмирлаш ишлари маблағлар тўлиғича молиялаштирилмаганлиги сабабли якунланмай чала қолди. Боз устига соғлиқни сақлаш муассасаларининг мукаммал таъмирланиши лозим бўлган 57 тасидан бор йўғи 35 таси таъмирланганлигини қандай изоҳлаш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

# БИР ХЎЖАЛИКДА

## ўн хилдан ортиқ маҳсулот

***Буюк мақсад, эзгу ишгина одамни элга танитади. Бўш, баёвгина кўринган йигит қатъияти раҳбарлар назарига тушди. Кўпни кўрган деҳқонлар қаторида у ҳам тендерда қатнашди. Оға-инилари билан дала юмушларига киришди. Бўладиган бола бошидан, деганларидек, Ўктам Назаров бошлиқ жамоа илк йилданоқ фермерларга ибрат кўрсатди. Олисларга нигоҳ қадаган "Хумо" фермер хўжалиги донгдорликда ном чиқарди. Мирзаободда фақат улар шаънига илиқ фикрлар айтиш анъанага айланди.***

Фермер кенг тармоқли хўжалик ташкил этишга бел боғлаган. Айни чоғда 2 гектар майдонга 2 минг туп терак кўчатлари ўтқазди. Ўн сотих майдонда эса иссиқхона ташкил этишди. Яна бир ходимни асаларичиликни ривожлантиришга масъул қилиб белгилашди. Ўтган йили 80 қути асаларидан 1,5 тоннадан ошиқ шифобахш бол олинди. Хўжаликда 18 нафар киши меҳнат қилади. Мавсумий юмушларда эса ҳамқишлоқлари кўмагига суянишади. Фермерда ўзига хос иш юритишнинг услублари бор. Айниқса бажарилган юмушга кунлик ҳақ тўловининг жорий этилгани меҳнат самараси ошишини таъминлаб келаяпти.




Хайрли-савобли иш тадбиркор шиорига айланган. Ҳудуддаги мактаб қошида футбол командаси тузиб, ҳомийлик қилиб келаяпти. Спортга чанқоқ 25 нафардан ошиқ ёшларни керакли анжомлар, кийим билан таъминлади. Дўнгариқ маҳалласи оқсоқоли Ўрол Қодировнинг айтишича Ўктам бир куни маҳалла оқсоқолига дил ёради. Муддаоси кам таъминланган хонадонларга кўмак кўрсатиш экан. Оқсоқол қишлоқда ҳовли-жойдан қийналаётган кам таъминланган хонадонга ёрдам кўрсатса мақсадга мувофиқ бўлишини тилга олди. Ҳеч бир гап сўзсиз кетган фермер енг шимариб ишга киришди. Уста ёллаб уч хонали уй қурдирди. Бунёдкорлик ишлари поёнига етгач ҳеч кимга билдирмасдан янги уй калитини камхарж хонадонга топширди. Саховатли инсон кўпчилик дуосини олди, албатта.

Хўжалик ўндан ошиқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ишчиларга алоҳида имтиёзлар ҳам бор. Чунончи, барча ходимлар хонадонида сарфланган электр энергияси, газ ҳақини хўжалик ҳисобидан тўлаб берилмоқда. Шунингдек, аъзолар хонадонига буғдой, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, пахта ёғи, чорва еми бепул етказиб берилаяпти. Муддао битта, дала ишчисининг асосий юмушдан чалғитмаслик, хонадонида тўкинчилик яратиш.

Амалдаги йилда ҳам фермер хўжалиги баракали ишлади. 20 гектар майдондан улкан хирмон кўтаришди. Режадан ошиқ 15 центнерлик ҳосил ўртада тенг тақсимланди. Ғўзаларнинг авжи баланд. Тадбиркорлар истиқлол байрами арафасида йиғим-теримга тушишни мўлжаллаб турибди. Юксакларни кўзлаган ишбилармонларга омад ҳамиша ёр бўлаяпти.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ижтимоий ҳимоя*

***Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз устувор сиёсати даражасига кўтарилган. Зеро, демократик жамият барпо этиш йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимизда инсонпарварлик тамойилини қарор топтириш бош вазифа ҳисобланади.***

# ФАХРИЙЛАР СУЯНГАН ТОҒИМИЗ

Олмалиқ шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ходимлари ана шу хайрли юмушни амалга оширишда жонбозлик кўрсатишмоқда. Улар кексалар, ногиронлар, ёрдамга муҳтожларнинг оғирини енгил қилишни ўзларининг бурчи деб билишади. Бўлим томонидан ҳозирда 95 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 68 нафар уруш ногирони, 21 нафар Чернобил ҳалокати ногирони ҳисобга олиниб, белгиланган имтиёздан фойдаланишмоқда. Улардан 13 нафарини вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси «Олтиариқ», «Косонсой», «Товоқсой» каби сиҳатгоҳларга йўлланмалар билан таъминлади. 14 нафар уруш фахрийси ва унга тенглаштирилган ногиронлар, I ва II гуруҳ касбий ногиронларга ҳар ойда 5600 сўм миқдорида товон пули бериб борилмоқда. Шунингдек, протез-ортопедия маҳсулотларига муҳтож 6 кишининг эҳтиёжи қондирилди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан вояга етмаган ногирон болага аравача топширилди. 5 нафар ногиронга эса ҳомийлар кўмагида ҳассалар олиб берилди.

Ҳудудда 405 нафар ёлғиз пенсионер истиқомат қилади. Уларга 30 нафар ижтимоий хизмат ходимлари бириктирилган бўлиб, ҳар ойда белгиланган 9 турдаги бепул озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Жорий йил ярмигача бу хизматлар учун 10 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

– Кекса, ногирон ва кўмакка муҳтожларга наф келтиришдан улуғ савоб йўқ. Уларнинг юзида мамнунлик ифодасини кўрсак, бизга бундан ортиқ бахт йўқ. Бунинг учун нафақат моддий кўмак, бир оғиз ширин сўз ва меҳримизни ҳам улашамиз, - дейди бўлим бошлиғи Зулайҳо Жўраева.

Дарвоқе, бўлим ходимлари бошқаларни ҳам бу савобли ишга жалб этишмоқда. Хусусан, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати 117 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни йўлга қўйган. Комбинат қошида очилган «Нуроний» қариялар дам олиш уйида ҳар ой 80 нафар пенсионер ҳордиқ чиқаради. Шаҳар тиббий ҳудудий бирлашмасига 8 нафар қарияни даволатиш учун 440 минг сўмлик маблағ ўтказилди. «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти Наврўз байрами арафасида кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган 30 та оилага 240 минг сўмлик, 40 нафар пенсионер аёлга 400 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди. Бундан ташқари, «Нуроний» жамғармаси ва Россия элчихонаси ҳамкорлигида 18 нафар уруш қатнашчисини «Бўстон» санаторийсида соғломлаштириш мақсадида бепул йўлланмалар ажратилди. Бир йил давомида 80 нафар уруш фахрийси, 10 нафар Афғон уруши ва Чернобил ҳалокати ногиронлари ҳамда 10 нафар кўзи ожизларнинг шаҳар ичидаги йўналишли таксиларда бепул юриши учун «Нуроний» жамғармаси 7 миллион 200 минг сўмлик йўл чипталари тарқатди.

«Маҳалла» хайрия жамғармаси эса боқувчисини йўқотган оилага моддий кўмак, ёлғиз қариянинг уйини таъмирлашга керакли маблағ ажратиб, эзгу ишга улуш қўшди. Ҳудуддаги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, онкологик касал ва ўзгалар қарамоғига муҳтож кексаларга 7 миллион 500 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатди. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими 1562 нафар имтиёздан фойдаланувчи пенсионерларга даволаниши учун 10 миллион сўмлик дори-дармон ажратди.

**Т.ШЕРНАЕВ,**
**К.АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ишонч» мухбирлари**

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА СОВҒА

Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги «Тарандубитель» акционерлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буюртмасини бажарди. Жамият ишчилари янги ўқув йилида биринчи синф ўқувчилари учун 35500 та мактаб сумкасини тайёрлади. Корхона жамоаси вазирлик томонидан ўтказилган тендерда ғолиб чиққан эди.

«Тарандубитель» корхонаси Ўзбекистонда чарм буюмлари ишлаб чиқариш бўйича машҳур. 2000-2001 ва 2002 йилларда ҳам жамият ходимлари бу каби буюртмаларни муваффақиятли бажарган эди. Икки йилдан сўнг эса тендерда ғолибликни қўлга киритиб, буюртмани ўз вақтида сифатли қилиб тайёрлаб берди.

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

***Навоий вилоятида кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, қоракўлчилик ширкат хўжаликлари катта муваффақиятга эришмоқдалар.***

# САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Буни Нурота туманидаги «Ғозғон» наслчилик ширкат хўжалиги фаолияти мисолида кўриш мумкин. Маълумотларга кўра, бултур хўжаликда ялпи даромад 289 миллион 450 минг сўмга етиб, соф фойда 80 миллион 67 минг сўмни ташкил этган. Рентабеллик даражаси 38 фоиздан ошган. Соф фойданинг 12 миллион 10 минг сўми дивидентга ажратилганлиги, айниқса, хўжалик аъзоларини қувонтирди. Айни вақтда чорва 35 минг 830 бошдан иборат бўлиб, жорий йилда мавжуд 15 минг 590 бош она қўйдан олинган қўзиларнинг 90 фоизи ўстиришга қолдирилди, шунингдек, 1100 дона экспортбоп қоракўл териси тайёрланди.

Гапни иқтисодий кўрсаткичлардан бошлаганимиз бежиз эмас. Зеро, олинган даромад талайгина хайрли ишларни амалга ошириш имкониятини беради. Хўжаликнинг умумий ер майдони 55 минг 766 гектар бўлиб, 7200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Учта маҳалла ҳамда 11 та гузар мавжуд. Одамларни оғирини енгил қилиш, қолаверса, уларнинг тўй-маъракаларида бош-қош бўлиш хўжалик маъмурияти ва касаба уюшма қўмитасининг асосий иш мезонига айланган.

Ишчи-ходимларга ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилган. Мавсумий ишловчилар иссиқ овқат билан таъминланиб, моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Кам таъминланган оилалар, ёлғизлар, ногиронларга меҳр-мурувват кўрсатилмоқда. Кези келганда, ижтимоий объектлар қурилишига жиддий эътибор қаратилганлигини таъкидлашни истардик. Вилоят ва туман ҳокимлиги ташаббуси билан хўжалик ҳудудида қуриб фойдаланишга топширилган спорт-соғломлаштириш мажмуаси фикримизнинг исботидир. Мазкур қурилишга хўжалик ҳисобидан 1 миллион сўм маблағ ҳомийлик ёрдами сифатида ўтказилди. Шунингдек, 19-умумтаълим ўрта мактабини газлаштириш учун 8 миллион 100 минг сўм, 6-умумтаълим ўрта мактабини жиҳозлаш учун 1,5 миллион сўм сарфланди.

Жорий йилда туман болалар спорт жамғармасига 700 минг сўм, Навоий вилоятидаги «Зарафшон» футбол жамоасига 609 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Хўжаликнинг олис ҳудудларигача қишлоқ йўллари таъмирланиб, ичимлик суви муаммоси бартараф этилган. Газлаштириш ҳам поёнига етиш арафасида. Шуни айтиш жоизки, бу ерда хўжаликнинг асосий даромади чорвадан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор Ғаффор Обидов, илғор чўпон Хомид Шеров, бош зоотехник Азамат Бойназаровларнинг саъй-ҳаракатлари бошқаларни ҳам уларга тенглашиб, меҳнат ютуқларини қўлга киритишга рағбатлантирмоқда.

2005 йилдан хўжалик аъзоларининг умиди жуда катта. Улар барча кўрсаткичларда юқори натижаларга эришиб, 300 миллион сўм даромад олишни мақсад қилиб астойдил ишламоқдалар.

**А.РАҲМОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Наманган шаҳри марказидаги тиббиёт коллежи бу йил одатдагидан кўра гавжум. Қабул ҳайъати деб жойлашган бинога кириб чиқувчи йигит-қизларнинг бир лаҳза қадами тинмайди. Бу ердан ҳеч ким ноумид бўлиб қайтмайди. Ёшларни хушмуомалалик билан кутиб олаётган ҳайъат аъзолари уларга бажонидил ёрдам беришади. Дарвоқе, бугунги кунда билим юртида акушер, ҳамширалик, фармацевтика, лаборатория иши, тиббий профилактика иши мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда.***

# КОЛЛЕЖ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Республикамизнинг энг кекса таълим даргоҳларидан бири бўлган коллежни тамомлаган минглаб мутахассислар эл-юрт соғлиғини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. – Мен Тошкент тиббиёт институтини тамомлаб вилоятда биринчи педиатор бўлиб иш бошлаганман. Бу ерда 1956 йилдан бери ишлаб келаман, – дейди 73 ёшли отахон, коллеж архиви ходими Усмонжон Қораев. – Биз ўқиган даврни ҳозирги коллеж ёшлари ҳаёт билан асло тенглаштириб бўлмайди. Очиғи, илгари миллий кадрлар тайёрлашга деярли эътибор берилмас, ҳамма соҳаларни русийзабон кишилар бошқарар, дарсликлар ва бошқа ўқув қўлланмалари рус тилида бўлгани учун айниқса қишлоқ ёшлари жуда қийналишарди. Замонавий ўқув қуроллари, компьютерлар билан жиҳозланган кенг ва ёруғ хоналарда яйраб ўз она тилида ўқишга не етсин.

Тиббиёт коллежи битирувчиларига диплом топшириш ҳар йили катта тантанага айланиб кетади. Яқинда 465 нафар ўғил-қиз коллеж йўлланмаси билан турли даволаш-профилактика муассасаларига мустақил фаолиятга йўналтирилди. Айтганча, коллежда ёшларнинг билим олишлари, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Коллеж кутубхонасида 31 минг 975 та адабиёт мавжуд. 3 мингга яқин аъзога эга. Коллеж маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўқувчи ёшларни иқтисодий-ижтимоий ҳимоялашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган ўқув йилида 42 нафар ота-онасиз етим талабага моддий ёрдам кўрсатилди, «Қизил Ярим ой» жамияти томонидан ажратилган кийим-кечаклар тарқатилди. 11 нафар болалар уйидан келган ўқувчиларнинг яшаши ва ўқиши учун қулай шароитлар яратиб берилган.

**С.АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**



## ЗАМИН ЗАРГАРИ

Кегайли туманидаги "Асқар" фермер хўжалиги фаолиятига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шунга қарамай, у ўтган икки йил ичида яхши натижага эришди. Албатта, бундай ютуқ ишнинг кўзини билишга ва астойдил меҳнатга боғлиқдир.

Жорий йилги меҳнат самараси ҳам кўнгилдагидек. Жумладан, фермер хўжалик пилла режасини 120 фоизга, ғаллани шартномага мувофиқ 105 тонна ўрнига 120 тоннага етказди. Эндиги навбат эса пахтадан мўл ҳосил олишга қаратилган.

Мавсум режаси 237 тонна пахта ҳосилини етиштиришдир. Бунинг учун мазкур жамоада барча имконият етарли. Техника унумли ишлатиляпти. Ишчилар ҳар бир ишни ҳамжиҳатликда бажаришмоқда.

**Суратда: ишчи Холбозор Ўтаганова.**

**Б.АЛЛАШЕВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

*Матбуот сўзининг таъсирчан кучи*

***Газетанинг шу йил 29 июн сонида чоп этилган «Чўл ҳудудларида чорвадорлар фарзандларини соғломлаштиришга қандай муносабатда бўлинаяпти?» сарлавҳали танқидий мақола Навоий вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмалари Кенгаши томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Унда келтирилган далиллар тўғри деб топилди.***

# ТАНҚИДДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИБ

Ёзги соғломлаштириш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш, камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди. Тадбирларга кўра Навбаҳор туманидаги «Ўзбекистон», Қизилтепадаги «Дўстлик», «Имкон» оромгоҳларида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, бюджет ва ҳомийлар маблағи жалб этилди. Жорий йилда 34 та оромгоҳда 19.550 нафар ўғил-қиз соғломлаштирилиши ният қилинган. Бу ўтган йилдагига нисбатан 3,5 фоиз кўпдир.

Матбуот чиқишида таъкидланганидек, Учқудуқ туманидаги «Алимтау» ширкат хўжалиги ҳудудида зилол сувли булоқлар бор жойда «Ерлар ота» болалар оромгоҳи фаолият кўрсатиб келган. Узрли сабабларга кўра ушбу оромгоҳ фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги боис вилоят ҳокимлиги агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Кенгаши билан ҳамкорликда энг яхши дам олиш маскани ташкил этиш тараддудида. Бундан ташқари, Нурота, Конимех туманларида шаҳардан ташқари соғломлаштириш гўшаларини бунёд этишга эътибор кучайтирилади.

«Ишонч»да чоп этилган мақола барча корхона ва ташкилотларда атрофлича ўрганиб чиқилди.

**С.САМАДОВ,**
**Навоий вилояти ҳокими ўринбосари**

# 90 ФОИЗИ ЭКСПОРТГА

***Наманган вилоятида яқинда ташкил этилган «Исковоттекс» қўшма корхонаси жорий йилнинг олти ойи давомида ишлаб чиқарган маҳсулотининг 90 фоизини Туркия, Россия ва Беларусга экспорт қилди.***

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги ушбу қўшма корхона бир йил аввал наманганлик тўқимачиларнинг Швейцария ва Туркиядаги шериклари билан ўзаро фойдали ҳамкорлиги натижасида ташкил этилган эди. Низом жамғармаси 4 миллион 800 минг еврони ташкил этадиган ушбу корхона Германияда ишлаб чиқарилган замонавий йигирув ускуналари билан жиҳозланган. Корхона бир йилда 3 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга.

- Ўтган йили 1430 тонна маҳсулот ишлаб чиқардик ва унинг 80 фоизини экспорт қилдик, - дейди қўшма корхона бош директорининг ўринбосари О.Муҳиддинов. - Бу йил ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан трикотаж, бўяш ва тикувчилик цехларини ишга тушириш ва ўнлаб янги иш ўринларини ташкил этиш ниятидамиз.

**(ЎзА)**

*«Ишонч» бонг уради*

# КЎЗБЎЯМАЧИЛИК, ЛОҚАЙДЛИК

## бюджет маблағларини талон-торож қилган, инсон умрига зомин бўлганлар

**(Боши 1-бетда)**

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида таъмирлаш ишларини амалга оширишда баъзи ҳолларда қонунбузилишларга йўл қўйилган. Хусусан, "Монолит" кичик корхонаси раҳбари С.Сайдуллаев ва буюртмачи Қуйи Чирчиқ туманидаги марказий шифохона бош шифокори Н.Холиқов ўртасида марказий шифохона ҳамда туғруқ комплекси биноларини 98,9 миллион сўмга мукаммал таъмирлаш бўйича шартнома имзолангач корхона ҳисоб рақамига 68,8 миллион сўм ўтказиб берилган. Амалда эса енг учида устамонлик билан фаолият юритилган. Яъни, бажарилган қурилиш ишлари ҳажмига 1,4 миллион сўмлик умуман қилинмаган ишлар қўшиб ёзилиб бюджет маблағлари талон-торож қилинган. Ушбу ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси томонидан "Монолит" кичик корхонаси ва Қуйи Чирчиқ туманидаги Марказий шифохона масъул мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Мана бунисига нима дейсиз? Буюртмачи Янгийўл шаҳридаги Марказий шифохона бош шифокори В.Абдуллаев ва пудратчи "Иристон" хусусий фирмаси раҳбари К.Паттаев ўртасида тегишли шартномалар имзоланиб, хусусий фирма ҳисоб рақамига 104,5 миллион сўм ўтказилган. Шундан сўнг виждонни жиғилдонга айлантирган кимсалар умумий иш ҳажмига амалда бажарилмаган 3,6 миллион сўмлик қурилишларни қўшиб ёзиб бюджет маблағини сув қилишган. Худди шунингдек, Чиноз тумани Марказий шифохонаси ва "33-сонли МКМЖ" масъулияти чекланган жамиятнинг мансабдор ва моддий жавобгар шахслари қурилиш ишлари, материалларини қўшиб ёзиб, шифохонага катта миқдорда моддий зарар етказишган.

Вилоят ҳокимлиги Вазирлар Маҳкамасининг никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақидаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилган қарори соғлом авлод, соғлом оилани шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, албатта. Кенг кўламли ишлар режаси тузилиб уларнинг ижроси мутасадди кишилар зиммасига юклатилган. Бироқ тадбирлар режасидаги вазифалар кутилган даражада бажарилмаган. Масалан, 2004 йилнинг иккинчи чораги давомида Бекобод, Олмалиқ шаҳарлари, Қибрай ва Тошкент туманларида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказилиши ҳамкорликда тузилган режа асосида, амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиб чиқилмаган. Бу ҳам етмагандек, никоҳланувчи шахсларни психик, наркологик, таносил касалликлари, ОИВ, ОИТС юзасидан тиббий кўрикдан ўтказишда айрим соғлиқни сақлаш муассасаларида қонунбузилишларга йўл қўйилган.

Шундай манзара кўзга ташланади: Қибрай, Бўка туман соғлиқни сақлаш бўлимлари айрим никоҳланувчиларни лозим даражада текширмасдан, айримларининг қонлари ташхис қўйиш лабораториясига юборилмасдан тиббий кўрикдан ўтди, деб маълумотнома беришган. Буларнинг ҳаммаси бурчга хиёнатнинг айни ўзгинасидир. Ким-ким шифокор янглашмасин, ўз бурчига совуққон бўлмасин, оқ халатлиларнинг қўпол хатоси, соҳадаги кўзбўямачиликлар ғоятда қимматга тушади. Фикримизнинг тасдиғи: вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидаги муассасаларда 2004 йил давомида 21 нафар оналар, 290 нафар гўдаклар, жорий йилнинг тўрт ойи ичида эса 9 нафар оналар ҳамда 236 нафар гўдаклар ўлимига йўл қўйилди.

Одамлар шифокорга нажоткор сифатида қарайди. Инсон ҳаёти қил учида турганида оқ халатли мутахассиснинг фидойилиги, ўз касбини пухта билиши, қатъиятлиги ғоятда муҳим рол ўйнайди. Ахир кеча-ю кундуз ҳаракат қилиб, имкониятдан моҳирона фойдаланиб, не-не кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолган шифокорлар оз дейсизми?! Аммо кам бўлса-да, улар орасида лоқайдлар, қўл учида иш кўрадиган кимсалар ҳам йўқ эмас. Текширув ва таҳлиллар давомида бунга кўплаб мисоллар топилди. Бўкалик 24 ёшли Ирода Ҳамдамованинг орзулари бир жаҳон эди. Кунларнинг бирида унинг уйига кўрик ўтказиш учун врач-терапевт, акушер-гинеколог ва патронаж ҳамшираси ташриф буюради. Таажжубки, шифокорда қон босимни ўлчайдиган асбоб бўлмаган. У ўзича тахминий ташхис қўйиб, бемор касалхонага бориши лозимлигини таъкидлаган. Аммо амалий ёрдам кўрсатмай, дарди зўраяётган Иродани уйида қолдириб бепарвогина чиқиб кетган.

Орадан уч кун ўтгач И.Ҳамдамова оғир ҳолатда туғруқхонага элтилади. Камқонлик, ҳомила ўлган, мияси шишган, қон босими ғоятда кўтарилган, деган ташхис қўйилди. Қанчалик ҳаракат қилинмасин фойдаси бўлмади, вақт ўтказиб юборилганлиги боис ёшгина келинчак оламдан кўз юмди. Бундай мисоллар ягона эмас. Нохуш ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари, инсон ўлими билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар юзасидан прокуратура ходимлари томонидан текшириш ишлари ўтказилмоқда. Айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши таъминланмоқда.

Қаерда назорат суст бўлса, ноўрин андишаликка борилса ёки кўрқоқлик йўли тутилса ножўя ишлар болалайверади. Шунинг учун бўлса керак назорат инспекцияси томонидан ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилишларга оид ҳужжатлар кўп ҳолларда ваколатли идоралар эътиборига ҳавола қилинмаган. Мисол. Вилоят руҳий асаб касалликлари диспансерида 2004 йили назорат инспекцияси томонидан текшириш ўтказилиб, унда диспансерда "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги, "Фаолият айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ва "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари талабларига зид равишда табобат фаолияти билан шуғулланишга лицензия, пуллик тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома олинмасдан бундай фаолият турлари билан шуғулланилганлиги ҳамда фуқароларга чипта бермасдан маълумотнома тақдим этиш учун 275 сўмдан ҳақ олинганлиги аниқланган.

Негадир диспансерда рухсатномасиз тиббий хизмат кўрсатишдан олинган даромад миқдори аниқланмаган ва текшириш ҳужжатлари тегишлича расмийлаштирилиб, чора кўриш учун вилоят Давлат солиқ ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаларига юборилмаган. Давом этайлик, Олмалиқ шаҳридаги туғруқхона мажмуасида 2004 йил ноябрида текшириш ўтказилиб, мажмуа лицензия олмасдан 2003 йилдан бери табобат фаолияти билан шуғулланганлиги аниқланган. Аммо мавжуд қонун бузилишларни бартараф этиш юзасидан зарурий чоралар қўлланилмаган.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг талабларига зид равишда фаолият юритилган. Яъни мурожаатлар келиб тушган кундан эътиборан бир ой муддатда, қўшимча текшириш талаб этилмайдиган бўлса 15 кунлик муддатда, кўриб чиқилиши ва натижалари ҳақида фуқароларга ёзма равишда жавоб юборилиши таъминланмаган. Бошқарма томонидан фуқаро Л.Орловага II гуруҳ ногиронлигини бериш тўғрисидаги ариза ўрнатилган бир ойлик муддатдан 68 кун кечиктирилиб кўриб чиқилган, натижалари ҳақида муаллифга ёзма равишда жавоб юборилмаган. Фуқаро Н.Шариповнинг аризаси эса 112 кун кечиктирилиб кўриб чиқилган.

Ҳаёт шуни кўрсатадики, айрим шифо масканларининг мутасаддилари соҳа ходимларига яратилаётган имтиёз ва эркинликларни нотўғри тушуниб, ғирром йўлдан боришмоқда. Ангрен шаҳридаги "Янгиобод" шифохонаси 2000 йилдан бери пуллик тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатнома олмасдан фаолият юритиб, 7,6 миллион сўм миқдорида даромад олган. Наҳотки, шунча вақт мобайнида буни ҳеч ким билмаган, сезмаган бўлса. Лоқайдлик, ўзибўларчилик энг хавфли, чиркин иллат. Бу касаллик қаерда чуқур илдиз отса, юқоридаги каби кўнгилсиз ҳолатларга йўл очилади. Шу боис оммага суянган ҳолда ислоҳотлар йўлига ғов бўлаётган кўзбўямачилик, лоқайдлик, мансабини суиистеъмол қилиш, бюджет маблағларини талон-торож қилишларга қарши муросасиз курашайлик.

**И.УСМОНОВ,**
**Тошкент вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси,**
**Ш.ИСКАНДАРОВА,**
**«Ишонч» махсус мухбири**

# АЖОЙИБ БОҒ БАҒРИДА




**Гулистонда узунлиги 480 метр, эни 34 метр, умумий ҳажми 7500 метрдан иборат муҳташам сув спорти мажмуаси қуриб битказилди.**

Истиқлол йилларида барпо этилган сузиш ҳавзаси кўзланган натижани берди. Сирдарё ёшлари нафақат мамлакат, балки жаҳон таснифида ҳам бу борада эътироф этилаяпти. Сир эмас, сув спорти мухлислари талаб ва эҳтиёжлари ошиб, шароит қўшимча имкониятларни талаб этиб қолганди. Эҳтиёждан келиб чиқиб хайрли ишга қўл урилди. «Дўстлик» канали, маданият ва истироҳат боғи оралиғидаги ҳудудда янги мажмуага тамал тоши қўйилди.

Масъулиятли иш ҳашар йўли билан адо этилди. Хайрли юмушларни «Дўстлик» каналидан фойдаланиш бошқармаси, шу бошқарма таснифидаги механизациялашган кўчма колонна қурувчилари ўз зиммасига олганди. Қисқа фурсатларда 1200 куб-метр темир-бетон, 400 куб-метр бетон қуйиш ишлари бажарилди.

Умумий қиймати 82 миллион сўмлик сув иншооти мукаммал лойиҳа асосида, жаҳон андозаларига мос тарзда яратилди. Синхрон сузиш, сув тўпи ўйини майдони учун махсус жойлар бор, сузишни ўрганувчилар ва дам олувчиларга шароит ҳам ёддан чиқмаган. Эътиборлиси, эндиликда янги мажмуада байдарка ва эшкак эшиш бўйича халқаро мусобақалар ташкил этиш мумкин.

– Янги кошона шаҳримиз кўркига-кўрк қўшди, – дейди гулистонлик Рустамбек Халилов. – Айниқса истиқлол байрами арафасида спортчилар, аҳоли беҳад хурсанд.

Саломатлик туман бойлик. Сув эса поклик рамзи. Бугун янги мажмуага ошиқмаган, ундан баҳра олишни дилига тугмаган мирзачўлликни учратиш маҳол. Соя салқин боғ қўйнида барпо этилган бу иншоот вилоят аҳлига муносиб туҳфа бўлди.

**Ш.НУРИЕВ**

---

*Юртимиз сиҳатгоҳларида*

# «КОСОНСОЙ»НИ КЎПЛАР ОРЗУ ҚИЛАДИ

***Ҳар йили минглаб юртдошларимизга саломатлик улашиб келаётган «Косонсой» санаторийси республикамиздаги энг сўлим дам олиш ва даволаниш масканларидан биридир. Бу ернинг салқин ва мўътадил ҳавоси, минералларга бой суви, хушманзара табиати киши баҳри дилини очиб, хуш кайфият бахш этади. Чотқол тоғ тизмалари музликларидан бошланадиган санаторий ёнгинасидан оқиб ўтувчи сой ёз чилласида ҳам ён-атрофни салқин этиб туради.***

Шуни айтиш жоизки, мутахассислар бу жойнинг ҳавоси машҳур Кисловодскнинг ҳавосидан ҳам кислородга бойроқ эканлигини аниқлашган. Дам олиш маскани 1978 йилда ишга туширилган. Даволанувчилар мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шароитлар яратилган. Шинамгина ошхона, маданият саройи мунтазам ишлаб турибди. «Оталар чойхонаси» дам олувчилар хизматида. Мамлакатимизнинг хоҳлаган нуқтаси билан боғланиш имкониятига эга бўлган сўзлашув пункти дам олувилар узоғини яқин қилмоқда. Энг замонавий тиббий асбоб-ускунлар билан жиҳозланган даволаниш масканида табиий манбалар билан таъминланган муолажа бўлимлари, юқори ва паст частотали ток билан даволаш, стоматология, гинекология, андрология, массаж, инголяция, иссиқлик билан даволаш хоналари, фитобар, спорт ва бадантарбия майдонлари, басссейн хизмат кўрсатаётир.

Санаторийда юрак қон томири, суяк-мускул, ошқозон, ўн икки бармоқли ичак, жигар каби ички касалликлар замонавий диагностика ва даволаш хоналарида юқори малакали тиббиёт ходимлари томонидан даволанади. 720 метр чуқурликдан тортиб чиқарилган 38 даражали иссиқ натрий-хлорли маъданли сув эса инсон танасига малҳамдек таъсир қилади. Шу йилдан бошлаб санаторийда тишни протезлаш, сауна хизмати, игнатерапия, мануал терапия, ичакларни ювиш, гинекологик чайиш, умумий уқалаш каби муолажалар ҳам йўлга қўйилди.

Овқатланиш – инсоннинг саломатлик ҳолатига таъсир этувчи бош омиллардан биридир. Парҳез овқат эса даволаниш муолажаларининнг бир қисмидидир. Шу туфайли дам олувчиларга парҳез овқатлар берилиши йўлга қўйилган. Таомлар даволанувчиларнинг касаллигига қараб тавсия этилади.

Бу ерда гальвано балчиқ билан даволашга ҳам алоҳида аҳамият берилади. Шифобахш балчиқ иссиқни узоқ вақт ўзида сақлаб ва уни аста секин танага беради. Натижада теридаги асаб таянч нуқталарига таъсир қилиб, унинг умумий фаолиятини, моддалар алмашинувини яхшилайди. Қон айланиши меъёрлашади, бутун танада озиқланиш қуввати тикланади. Минерал сувли ванналар марказий асаб бўғинлари фаолиятини меъёрига келтиради. Шифобахш гиёҳли ванналар эса аллергия бермаслиги ва таркибида витаминлар, мойлар, ҳаётбахш элементларнинг кўплиги билан кимёвий усулда ишлаб чиқарилган дори-дармонлардан устун туради. Бундан ташқари, сув ости массаж хонаси, шарко, айлана ва юқори йўналган душларда ҳам муолажалар мунтазам олиб борилади.

Сиҳатгоҳда айниқса уқалаш муолажаларига алоҳида аҳамият берилади. Ушбу даволаш тури асосан қўлда, электр асбоблари ёрдамида ва кучли сув оқимини йўналтириш усуллари билан амалга оширилади. Бунинг самараси ўлароқ, юрак-томир тизимининг фаолияти яхшиланади, беморнинг руҳий ҳолати яхшиланиб, организм яшаради. Электр муолажалар эса бўғинлар, умуртқа поғонаси, асаб тизими шикастланганида, қулоқ, томоқ ва бурун, жинсий хасталикларда кенг қўлланилади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, дам олувчилар учун турли шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар бериш йўлга қўйилган. Уларга 22 хилдаги доривор гиёҳлардан касалликларга қараб, 7 хил дамламалар тайёрлаб берилмоқда. Беморларнинг шифо топишида ушбу даволаш тури ҳам жуда қўл келаётир.

Сиҳатгоҳда бўлганимизда юртимизнинг барча гўшаларидан шифо топиш истагида ташриф буюрган турли ёшдаги кишиларни учратдик.

– Мени бир неча йилдан буён асаб касаллиги қийнаб келарди, – дейди Тошкент шаҳридан келган бемор Мамлакат Турсунова. – Шифокорлар мана шу сиҳатгоҳда даволаниш зарурлигини айтишди. Бу ерга келганимдан сўнг бир ҳафта ўтмасдан аҳволим яхшилана бошлади. Шифокор ва ҳамшираларнинг хушмуомалалигини айтмайсизми? Таомларнинг сифати жуда яхши. Ётоқхоналар ҳам батартиб, озода. Ҳар куни қизиқарли маданий тадбирлар ўтказиляпти.

– Менда сиҳатгоҳ яхши таассурот қолдирди, – дея суҳбатга қўшилади улуғнорлик меҳнат фахрийси Тўхтамирзо ота Давлатов. – Юртимизда мана шундай жаннатмакон, табиати Қримдан қолишмайдиган гўшалар ҳам бор, афсуски ҳамма ҳам билавермайди. Мен бу ерда 15 кун дам олиб, худди яшаргандай бўлдим.

Бош шифокор Нўъмонжон Мўйдиновнинг таъкидлашича, сиҳатгоҳга ўтган йили 2693 нафар киши ташриф буюриб, шифо топиб қайтди. Жорий ярим йил давомида эса уларнинг сони мингдан ортиб кетди. Сочи оромгоҳларидан қолишмайдиган масканга келишни ихтиёр этувчилар сони йилдан-йилга ортиб бораётир.

Ўтган йили санаторий ички имкониятлардан фойдаланиб, тубдан қайта таъмирланди. Бунинг учун 10 миллион 442 минг сўм маблағ сарфланди, ободонлаштириш учун эса 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Жорий йилда ҳам таъмирлаш ишлари давом эттирилди. Сиҳатгоҳ ҳудудини янада кўркам ҳолган келтириш учун 400 туп хурмо, 200 туп олма, 200 туп сосна кўчатлари ўтказилди.

**О.ЭРГАШЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

*Биздан сўраган эдингиз*

***САВОЛ: Агар врач, ўрта тиббиёт ходимлари меҳнат таътилига чиққан бўлсалар, таътил даврида навбатчилик қилишлари мумкинми? (кеч соат 17.00 дан эрталаб 8.00 гача)***

**Т.СУЛТОНОВ**
**Ангор тумани ДСЭНМ касаба уюшма қўмитаси раиси**

# ТАЪТИЛ ДАВРИДА НАВБАТЧИЛИК ҚИЛИШ МУМКИНМИ?

## Саволингизга Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши бош ҳуқуқшуноси Карим Мухторов жавоб беради

**ЖАВОБ:** Меҳнат кодексининг 133-моддасига мувофиқ муассасада ҳар бир ходимга, шу жумладан, ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга узлуксиз дам олиш ҳамда меҳнат қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар йили меҳнат таътили берилиши зарур.

Иш берувчи ходимга меҳнат таътили бериш тўғрисида буйруқ чиқарилгандан ва таътил учун ҳақ тўлангандан сўнг уни ўз вазифасида таътил тугагунга қадар ишга қўймасликка ҳақли. Таътил учун ҳақ тўлаш жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошланмасдан олдинги охирги иш кундан кечиктирилмай амалга оширилиши керак.

Амалдаги қонунчиликда асосий иш жойидан таътил олган ходим бошқа жойда (муассасада, айрим фуқаролар ихтиёрида) ишлаши таъқиқланган эмас. Лекин ходим ҳам ўз навбатида ўзининг соғлиги тўғрисида ўйлаши зарур. Бу саволга жавоб беришда албатта Меҳнат кодексининг 9-моддасида белгиланган тартибларни эслатиб ўтишга тўғри келади. Бунга асосан касаба уюшмалари Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишни амалга оширади. Шунинг учун ҳар бир касаба уюшма қўмитаси аъзоси, касаба уюшма фаоллари ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлиши керак.

Ходимга иш вақти татбиқ қилинишида иш берувчи Меҳнат кодексининг 114-125-моддалари талабларига тўлиқ амал қилиши керак. Кодекснинг 118-моддасига биноан тиббиёт ходимлари учун ҳафтасига 36 соатлик иш вақти белгиланган. Бу қонунда ўрнатилган иш вақтидан ортиқ ишга жалб қилиш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади ва бундай ишлар учун Меҳнат кодексининг 157-моддасига мувофиқ ходимга камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади.

Кодекснинг 123-моддасига асосан кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати ўн икки соатдан ортиб кетмаслиги зарур.

Юқорида келтирилганларга мувофиқ тиббиёт ходими эрталаб соат 8 дан кеч соат 18.00 гача ишлаб, ундан сўнг кеч соат 18.00 дан эрталаб соат 8.00 гача навбатчиликка ишга жалб қилинишига йўл қўйилмайди. Чунки ходим дам олмасдан 24 соат ишламоқда.

Амалдаги қонун талабига кўра (МК 120, 174-моддалар) иш вақти тўғрисидаги жадваллар касаба уюшма қўмитаси билан келишилган ҳолда иш берувчи томонидан тасдиқланади. Шундай экан, касаба уюшма қўмитаси иш вақти тўғрисидаги жадвалларни ўз йиғилишида муҳокама қилаётганда, қонун талабига риоя қилинганлигига аҳамият бериши зарур, қонунга зид бўлса бу масала кўрилмасдан қолдирилиши керак.

Ходим ўзининг дам олиш куни ишлайдими, қонун билан белгиланган байрам куни ишлайдими унинг ҳақиқий ишлаган соати иш вақти табелида кўрсатилиши керак ва бу ишлаган кунлари учун унга Меҳнат кодексининг 157-моддаси асосида бажарилган иш учун компенсация ва ҳақ тўланади.

Ҳақиқатда нафақага чиқиб ишлаётган врач нафақа (пенсия)нинг 50 фоизини олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги Фармонига мувофиқ 1996 йилнинг 1 январидан ишлаётган пенсионерларга – иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига, уларга тенглаштирилганларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, Чернобил ҳалокатидан жароҳат олган шахсларга пенсия тўлиқ миқдорларда тўланади. Шундай экан иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб ишлаётган врач ҳам пенсиясини тўлиқ олиш ҳуқуқига эгадир.

1996 йилнинг 1 апрелигача амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексининг 41-моддаси 1-1.-бандида ходим пенсия ёшига етиб, ёшга доир пенсиясини тўлиқ олиш ҳуқуқига эга бўлган тақдирда пенсия ёшига етганлик маъмуриятнинг ташаббуси билан уни ишдан бўшатиш учун умумий асос сифатида белгиланган эди ва шу асосда ходимлар вазифасидан озод қилинарди.

1993 йилнинг 29-30 июн куни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий назорат қўмитаси ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексининг 41-моддаси 1-1-бандида қайд этилган меъёрлар Конституцияга қай даражада мувофиқлиги ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Конституциявий назорат қўмитасининг хулосасида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга» эканлиги белгиланган. Шу сабабли бундай асосда ходимни ишдан бўшатиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мос келмаслиги ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқларига зид эканлиги эътироф этилди ва Конституциявий суд тўғрисидаги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексининг 41-моддаси 1-1-банди ўз кучини йўқотган деб топилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 107-моддасида «Иш берувчининг буйруғида меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари ушбу Кодекснинг 87, 89, 97, 99, 100, 105, 106-моддалари таърифига ёки меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосларини назарда тутувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар таърифига тўла мувофиқ ҳолда ёзилиб, кодекснинг ёхуд бошқа меъёрий ҳужжатларнинг тегишли моддаси (банди) далил қилиб кўрсатилади» деб ёзиб қўйилган. Ходимни ёшга доир пенсияга чиққанлиги туфайли вазифасидан озод қилиш тўғрисида МКда ёки бошқа қонун ҳужжатларида бирор модда йўқ. Шундай экан, ходимни ёшга доир пенсияга чиққанлиги туфайли вазифасидан озод қилиш бу ноқонуний ҳисобланади. Бундай ҳолларда Меҳнат кодексининг 270-моддасига асосан ходим ишдан бўшатилган кунидан бошлаб бир ой муддат ичида ариза билан ишхона жойлашган жойдаги Фуқаролик ишларини кўрувчи судга мурожаат қилиши зарур. Суд томонидан ходим мажбуран бекор юрган кунларига ҳақ тўлаш шарти билан ўз вазифасига тикланади.

---

## ОНАЛАР ҚУВОНЧИ

Бувайда тумани марказий шифохонаси қошидаги туғуруқхона бўлими қайта таъмирдан чиқарилди.

"Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилаган бунёдкорлик ишлари натижасида туманда она ва болаларга қулайлик яратиб берилди. Бу ерда 33та хона, 9та туғруқ зали, 3 ўринли замонавий реанимация хоналари ташкил этилди. Ҳар бир хона иссиқ ва совуқ сув тармоқларига уланиб, иситиш тармоқлари ишга туширилди.

Туманда бехатар оналик дастури доирасида амалий ишлар қилинмоқда. Айни кунда туман аҳолисига 17 нафар акушер-гинеколог, 100 нафарга яқин ўрта тиббиёт ходими она ва бола саломатлигини назорат қилиб, керакли ёрдамни бериб келишмоқда. Ҳар бир хонадонга бириктирилган тиббиёт ходимлари соғлом она, соғлом фарзандни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун нималарга эътибор қаратиш борасида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқда.

---

*Футбол*

## "ЛИОН" - СУПЕРКУБОК СОҲИБИ



Францияда янги футбол мавсуми анъанага биноан мамлакат чемпиони ва биллур кубок соҳиби ўртасидаги учрашув билан бошланади. Бу гал сўнгги тўрт йил давомида миллий биринчиликда ғалаба қозониб келаётган "Лион" жамоаси "Осер" жамоаси билан баҳс юритди.

Учрашувнинг учинчи дақиқасида бош ҳакам "Осер" жамоасини пенальти билан жазолади. 11 метрлик жарима тўпини 18 ёшли ҳужумчи Хатем Бен Арфа қойилмақом қилиб бажарди. "Осер" беш дақиқа ўтгач ҳисобни тенглаштирди. Ярим ҳимоячи Лионель Матис жавоб тўпи муаллифи бўлди. Сўнг "Лион" футболчилари ташаббусни бутунлай қўлга олдилар. Жамоанинг янги ҳужумчиси Жон Карью 39 дақиқа ичида рақиблар дарвозасига кетма-кет уч тўп киритиб, хет-трикка эришди. Жон Карью ўтган мавсумда Туркиянинг "Бешиктош" жамоасида тўп суриб, 24 учрашувда рақиблар дарвозасини 13 бор ишғол қилган эди.

## БАЛЛАК - ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНЧИ

Германия терма жамоаси ва "Бавария" сардори Михаэль Баллак мамлакат спорт журналистлари ўртасида ўтказилган сўровномада биринчи ўринни эгаллади ва бундеслиганинг энг яхши ўйинчиси деб тан олинди. Сўров натижасига кўра у 516 та овоз олди. "Кёльн" ҳужумчиси Лукаш Подольски 103 овоз билан иккинчи ўринни банд этди. "Герта" жамоасининг бразилиялик ярим ҳимоячиси Марселиньо эса 99 та овоз тўплаб учинчи ўринга муносиб деб топилди.

## ҚИЗИҚАРЛИ, МУРОСАСИЗ ЎЙИНЛАР

Европа чемпионлари лигаси иккинчи саралаш босқичи баҳслари қизиқарли учрашувларга бой бўлди.

Австриянинг "Рапид" жамоаси Люксембургда "Дюделанж" жамоасига қарши майдонга тушиб, 6 та тўп киритишга муваффақ бўлди. Ўз дарвозасидан атиги бир тўп ўтказиб юборишди. Болгариянинг ЦСКА жамоаси ҳам сафарда зафар қучди. Улар "Тирана" меҳмони бўлиб, 2:0 ҳисобида ғолиб чиқишди. "Брондбю" Тбилисининг "Динамо" жамоасидан устун келди: 2:0. Чемпионлар лигасининг амалдаги чемпиони "Ливерпуль" Каунасда "ФК Каунас" (Литва) жамоасини 3:1 ҳисобида мағлуб этди. Москванинг "Локомотив" жамоаси сўнгги дақиқада мағлубиятдан қутулиб қолди. "Работнички" (Македония) - "Локомотив" учрашувида Дмитрий Сичев 90-дақиқада жавоб тўпини киритди. Учрашув 1:1 ҳисобида якунланди.

**Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди.**

"Артмедия" (Словакия) - "Селтик" (Шотландия) - 5:0, "Андерлехт" (Бельгия) - "Нефтчи" (Озарбайжон) - 5:0, "Партизан" (Сербия) - "Шериф" (Молдова) - 1:0, "Шельбурн" (Ирландия) - Стяуа (Руминия) - 0:0, "Мальмё" (Швеция) - "Маккаби Х" (Исроил) - 3:2, "Дебрицен" (Венгрия) - "Хайдук" (Хорватия) - 3:0, "Динамо" (Киев) - "Тун" (Швейцария) - 2:2, "Атосис" (Кипр) - "Трабзонспор" (Туркия) - 3:1, "Волеренга" (Норвегия) - "Хака" (Финляндия) - 1:0.

**Жавоб учрашувлари 3 августда бўлиб ўтади.**

**Т.ЮСУПОВ**
**тайёрлади**

---

## ЎЗБЕК ТИЛИДА ИЛК БОР

Фаннинг гидрогеология соҳаси атроф-муҳит софлигини таъминловчи йўналишлар билан яқиндан алоқада бўлиб келмоқда. "Умумий гидрогеология" бўлими эса олий таълим тизимида муҳим маърифий аҳамият касб этмоқда. Аммо шу вақтга қадар бу фандан ўзбек тилида биронта ҳам ўқув адабиёти яратилмаган эди. Бундай хайрли ишга Ўзбекистон Миллий университети мутахассис олимлари бош қўшдилар.

"Умумий гидрогеология" деб номланган дарсликнинг чоп этилиши нур устига аъло нур бўлди. Ўзбек тилида биринчи бор яратилган мазкур янги дарслик турли расм, чизмалар ва жадваллар билан бойитилган бўлиб, нашрнинг мазмун ва мундарижасини янада бойитган.

## СИЗ КУТГАН ҚЎЛЛАНМА

Янги ўқув йилига совға сифатида қатор ўқув адабиётлари босмага тайёрланди. "Математика ўқитиш методикасидан практикум" деб номланган ўқув қўлланмаси эса кўп нусхада чоп этилди.

Тошкент давлат педагогика университети томонидан нашрга тавсия этилган бу китоб университетлар, педагогика институтларининг бошланғич таълим факультетлари талабаларига яхши тортиқ бўлди.

Мазкур ўқув адабиёти педагогика йўналишидаги касб-ҳунар коллежлари учун ҳам фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

**А. АЛИЕВ**

---


# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

**Давлат мулки қўмитаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига қўйилган қуйидаги автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари (АЁҚШ)-ларга 2005 йил 29 июлдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги 368-сонли қарорига мувофиқ 3-синф бўйича бошланғич баҳосини босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланилиши бошланганлигини маълум қиламиз**

*1. Сурхондарё вилояти, Музрабод туманидаги 28-АЁҚШ мажмуаси.*
**Бошланғич баҳоси - 816507 АҚШ доллари.**

*2. Навоий вилояти, Томди туманидаги 13-контейнерли АЁҚШ.*
**Бошланғич баҳоси - 13664 АҚШ доллари.**

*3. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги 64-АЁҚШ.*
**Бошланғич баҳоси - 48780 АҚШ доллари.**

*4. Тошкент вилояти, Ангрен туманидаги 69-АЁҚШ.*
**Бошланғич баҳоси - 45080 АҚШ доллари.**

*5. Тошкент вилояти, Оҳангарон туманидаги 66-АЁҚШ.*
**Бошланғич баҳоси - 44320 АҚШ доллари.**

*6. Тошкент вилояти, Пскент туманидаги 58-АЁҚШ.*
**Бошланғич баҳоси - 23100 АҚШ доллари.**

*7. Сурхондарё вилояти, Ангор туманидаги 3-АЁҚШ.*
**Бошланғич баҳоси - 25553 АҚШ доллари.**

*8. Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой шаҳридаги 54-контейнерли АЁҚШ.*
**Бошланғич баҳоси - 28350 АҚШ доллари.**

*9. Қорақалпоғистон Республикаси, Мўйноқ шаҳридаги контейнерли АЁҚШ.*
**Бошланғич баҳоси - 26691 АҚШ доллари.**

***Изоҳ:*** *Тўловлар АҚШ долларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича сўмда амалга оширилади.*

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг.**

*Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар. Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишингиз мумкин.*

***Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Маҳамад Ўразбоев кўчаси, 1"А" уй.***

**Телефонлар: 136 15 28, 136 26 26.**
**Факс: 136 06 17. www.rkmb.uz**

***Эслатма***

*РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давоми этиб нархлар эркин шаклланади.*


---

Бугунги кунга келиб республикамиз автомобил йўлларида транспортлар қатнови кескин кўпайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Чунончи, Самарқанд вилоят ИИБ ЙХҲБ ходимлари ҳам ана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда хизмат қилмоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли амалдаги йил-





нинг ўтган даври мобайнида вилоят автомобил йўлларида турли кўринишдаги қоидабузарликларнинг содир этилмаслиги, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳайдовчи ва пиёдалар интизомини янада мустаҳкамлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Ўз навбатида бундай профилактик тадбирларда вилоят ИИБ ЙХҲБ 4-отряд ходимлари ҳам алоҳида намуна кўрсатиб келишмоқда.

**Суратларда: вилоят ИИБ ЙХҲБ 4-отряд ходимлари фаолиятидан лавҳалар.**



# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## КУНДУЗГИ ОРОМГОҲ

***26-мактаб қошидаги «Шалола» спорт-соғломлаштириш оромгоҳи шундоққина Сангзор дарёси соҳилида жойлашган. Сўлим манзара, анвойи гулларнинг ёқимли ҳиди, ариқлардан оқаётган зилол сувнинг шилдираши киши баҳри-дилини очади. Қалин дов-дарахт билан бурканган оромгоҳга тангадек қуёш нури тушмайди.***

– Ўқувчиларнинг мазмунли дам олишлари учун имкон қадар шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қилинмоқда, – дейди таълим ва фан ходимлари Ғаллаорол туман касаба уюшма раиси Абдулҳаким Шакарбоев. – Етакчи ва тарбиячиларнинг ташаббускорлиги, уларнинг болаларни ўз сафларига бирлаштира олишлари, турли тадбирлар ўтказаётганликларини кўриб хурсанд бўласиз. Мавсум олдидан тайёргарлик ишлари Халқ таълими вазирлигининг «Болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида маънавий-маърифий концепцияни амалга татбиқ этиш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилди. Тарбиячи ва етакчилар билан бир қаторда тўгарак раҳбарлари, спорт йўриқчилари тайёрланди. Улар учун зарур қўлланмалар тақдим этилди.

– Оромгоҳлараро спорт мусобақалари ҳам ўтказилиб турибди, – дейди 2-мактабда ташкил қилинган «Камалак» соғломлаштириш оромгоҳи ташкилотчи педагоги Асад Хўжанов.

Бу ерда болажонлар билан бўлган суҳбат чоғида уларнинг кечаётган ҳар бир куни таассуротларга бой бўлаётганлигини ҳис этдик. Айниқса, У.Худойбердиев, Г.Мамаражабова ва С.Суяров етакчилик қилаётган гуруҳларда деворий газета ва рангли бўёқларда чизилган суратлар, моҳир қўллар томонидан амалга оширилган ўйинчоқлару нафис нақшларни кўриб ҳавасимиз ортди. Ҳар бир хона озода ва батартиб. Маънавият, тиббиёт хоналари шинам, кўчма кутубхоналар болалар ихтиёрида. Спорт анжомлари ҳам етарли.

Шунингдек, 44-мактабда ташкил этилган Турсуной Пардаева бошчилигидаги «Лочин» ҳамда 57-мактаб қошидаги Султонмурод Холбўтаев бошлиқ «Қалдирғоч» соғломлаштириш оромгоҳларида ҳам олиб борилаётган турли тадбирлар ва кечалар билан бир қаторда спортнинг волейбол, теннис ва қўл тўпи турлари бўйича гуруҳлараро мусобақалар ўтказилаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Бир сўз билан айтганда, туман мактабларида фаолият кўрсатаётган спорт-соғломлаштириш ва кундузги оромгоҳлар боғларида болалар мириқиб дам олишмоқда.

**С.АБДУЛЛАЕВ**





**М.КАРИМОВ олган сурат**

## МЕҲР

*Бошингга иш тушса, етказса озор,*
*Ва олам туюлса кўзларингга тор,*
*Тошни эритишга қодир меҳр бор,*
*Отангдек меҳрибон дўст тополмайсан.*

*Ўзгалар бўлса-да қайғунгга шерик,*
*Сувни кўрмай улар ечишмас этик,*
*Уйинг бўлавермас ҳар очиқ эшик,*
*Отангдек меҳрибон дўст тополмайсан.*

*Омадинг чопмаса, бахт юз ўгирса,*
*Дўстлар рўйхатидан дўстлар ўчирса,*
*Қилич қиндан чиқиб кутиб ўтирса,*
*Отангдек меҳрибон дўст тополмайсан.*

*Фарзандга от бўлиб миндиргувчи у,*
*Сувлар лойқаланса тиндиргувчи у,*
*Борин тўкиб, йўқни йўндиргувчи у,*
*Отангдек меҳрибон дўст тополмайсан.*

*Етсанг тиригида қадрига, ишон,*
*Ўзинг ҳам бўлгайсан қадрга нишон.*
*Ҳаёт бу – имтиҳон, ҳаёт бу – имкон,*
*Отангдек меҳрибон дўст тополмайсан.*

**Шоҳида АБДУЛАЗИЗОВА**

***Туман марказидан анча олисда жойлашган Қашқабулоқ қишлоғилик ака-ука Шодмоновлар самбо, каратэ ва миллий кураш бўйича анча-мунча танилиб, давраларда тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Бора-бора Шодмоновларнинг довруғи чор-атрофга ёйилиб, ака-укалар тугул қишлоқдошлари билан ҳам одамлар эҳтиёт бўлиб муомала қилишга ўтишди.***

*Ҳангома*

## ОЁҒИНГНИ ТОРТ

Туманлараро қатнайдиган «Отойўл» русумли маршрут автобуси йўловчилар билан тирбанд. Кимдир жонажон қишлоғига, кимдир эса ёру биродар ва оға-инилари ҳузурига ошиқади. Автобус шитоб билан олдинга интилади.

Тиқилинчда башанг кийинган ўттиз ёшлар чамасидаги йигит ёнидаги кўк куйлакли ўспирин йигитнинг оёғини босганича бамайлихотир борарди.

Ўспирин қараса оёғини тортиб олишнинг ҳеч иложи йўқ. «Ҳойнаҳой бу йигит ҳам қашқабулоқлик бўлса керак, яна бошимга бало сотиб олмай», деган ўй-хаёллар билан сабр-тоқат қилиб тураверди. Ўспириннинг назарида автобус жуда имиллаб юраётгандек.

Автобус Қашқабулоқ қишлоғига яқинлашавергач, уч-тўрт йўловчи тушишга чоғланганини кўриб ўспирин йигит ўзича суюниб қўйди. Лекин ҳалиги пўрим йигит тушишга тараддудланмасди ҳам.

– Сиз тушмайсизми, биродар? – сўради кўк куйлакли ўспирин қўрқаписа.

Лекин ҳамроҳидан садо чиқавермагач, баттар саросимага тушди. Орадан бироз вақт ўтгач:

– Мен кейинги қишлоқда тушаман, – деди ҳалиги йигит унга бирдан бир нарса эсига тушгандек жилмайиб.

Унинг жавобидан ўспириннинг бутун вужуди бўшашиб кетди. Шу дамгача мум тишлаб келгани ўзига алам қилди.

– Ҳали сен қашқабулоқлик эмасмисан? – сўради у зарда қилиб. Кейин овозини янада баландлатди. – Оёғингни торт, бефаросат!

Башанг кийинган йигит ҳеч нарса юз бермагандек, секин оёғини тортди.

**Абдулла САИДОВ**

*Муомала маданияти*

***Ўтмишда ови юрса ҳам дови юрмай, тобора камбағаллашиб бораётган бир деҳқон йўл четида ўйланиб турса, фақиргина йўловчи ўтиб қолибди. Шунда деҳқон:***

***– Эй донишманд, нима эксам, мен бойиб кетаман? – деб маслаҳат сўрабди.***

## САЛОМГА ЯРАША АЛИК

Йўловчи унга пиёз экишни тавсия этибди. Қарангки, нотаниш йўловчининг гапига кирган деҳқон ўша йили чиндан ҳам бойиб кетибди. Шодлигидан босар-тусарини билмай қолган деҳқонга яна ўша одмигина йўловчи учраганида:

– Эй гадо, нима эксам, мен янада бойиб кетаман? – деб иккинчи маротаба мурожаат қилибди.

Шунда у яна бир экиннинг номини айтиб, йўлида давом этибди. Фалакнинг гардишини қарангки, кейинги йили деҳқоннинг омади чопмай, илгаригидан ҳам камбағаллашиб кетибди.

Бундан ғоятда ғазабланган деҳқон ҳалиги йўловчини сабрсизлик билан кута бошлабди. Ниҳоят, у таниш йўловчи билан дуч келибди ва:

– Эй нотавон йўловчи, нега мени алдадинг? Сенинг гапингга кириб, янада бойиш ўрнига буткул камбағаллашиб кетдим-ку! – деб ғазаб қилибди.

– Ўзингни бос, – дебди йўловчи. – Биринчи йили сен менга «донишманд» деб мурожаат қилдинг. Мен сенга донишманднинг жавобини бердим. Натижада сен бойиб кетдинг. Кейинги сафар эса менга «гадо» сўзини муносиб кўрдинг ва мен сенга гадонинг жавобини бердим, – деган экан...

Бу ривоятни эшитганимга анча бўлди. Шундан буён бир нарсадан таажжубланаман: донишманд халқимизнинг бу қадимий ҳикматини ё кўпчилик эшитмаган, ё эшитса ҳам, қулоғига қўрғошиндек қуйиб олмаган. Акс ҳолда, отаси ёки у тенги бошқа кишига «пахан», «бобой» деб, оналарга «бабуля», «бабушка», «кампиршо» деб, ака-укаларига «брат», «братан», «братишка» деб мурожаат қиладиган ноқобил фарзандларнинг бундай нохуш сўзлари қулоқларимизга чалинмаган бўларди.

Шу кунларда кўча-кўйда «ҳей», «эй», «ҳов» каби, айрим ҳолларда ҳатто ҳуштак чалиб ёки дўстларининг исмини «тоқ», яъни Бахтиёр бўлса – «Бахти», Ғанижон бўлса – «Ғани», Санобар бўлса – «Сано», Раҳима бўлса – «Рая» каби сўзлар билан, баъзан ҳатто лақабларини айтиб (Қосим чўлоқ, Ботир пакар, Кал, Қийшиқ каби) чақиришлар қулоғимизга чалинади.

Буларнинг ҳаммаси ўта маданиятсизликдан ёки мурожаат одоби меъёрини билмасликдан келиб чиқади. Зеро, тилдаги ҳар бир сўз ўз вақти ва ўз ўрнида қўллангандагина, нутқимиз кўркам, ўзимиз маданиятли ҳисобланамиз. Чунки тилдаги ҳар бир сўзнинг ўз ўрни, ўз меъёри бор. Масалан, «профессор» деган сўз расмий услуб учун меъёр ҳисобланса, норасмий услуб учун меъёр эмас. «Профессор Тошматов, сизни талабалар кутишяпти» – ишхонада меъёр; «Профессор Тошматов, ошдан олинг!» – уйда ёки чойхонада меъёр эмас. Шунингдек, профессор Тошматовга дадалари ишлайдиган, ўқув юртида таҳсил кўрувчи фарзандларининг талабалар даврасида, айниқса, дарсда «дада» деб мурожаат этиши ноқулайлик туғдиради. Аксинча, уйда дадаларига нисбатан «домла» сўзини қўллашса, меъёрни бузган бўладилар. Худди шунингдек, турмуш ўртоқларига уйда ҳам унинг касби, лавозимини айтиб мурожаат этиш («ўртоқ депутат», «ўртоқ раис» каби) расмиятчиликдан далолат беради. Чунки инсон ҳамиша табиийликка интилади, содда, самимий сўзни соғинади.

Айтишларича, дунёдаги барча жонзотлар, айниқса, одамзод бошқа ҳамма номлардан ҳам кўра ўзининг шахсий исми шарифига кўпроқ мафтун бўлар экан. Шунинг учун ҳам сиз бирон кишининг исми шарифини ёдда олиб қолиб, унга мурожаат қилаётганингизда, ўша исм-шарифни табиий равишда тилга олсангиз, унинг кўнглини кўтарган ва ўз фойдангизга таассурот қолдирувчи мулозамат қилган бўлар экансиз. Эсингизда бўлса, «Сангам» ҳинд кинофильмида анҳорда чўмилаётган Радхага дарахт тепасига чиқиб олган Сундар тегажаклик қилганида, Радха бир марта ёқимли овоз билан «Сундар!» дейди. Шунда у:

– Оҳ–оҳ–оҳ, яна бир қайтар! Менинг исмим сенинг тилингда шундай жаранглар-канки, – дейди.

Ҳа, кишига ўз исмини бошқалар, айниқса, ўзи учун севимли кишилар тилидан эшитиш ҳамиша мароқли.

Кўпчилигимиз бир неча марта учрашган танишларимиз исми шарифини ҳам эслаб қололмаймиз. Тўғрироғи, бунга аҳамият бермаймиз ва ўша исм-шарифни такрорлаб, хотирада олиб қолишга интилмаймиз. Бунга жуда ҳам банд эканлигимизни рўкач қиламиз. Аммо биз оддий ишчиликдан почта вазири лавозимигача кўтарилган, вақти жуда тиғиз бўлишига қарамасдан эллик мингдан ортиқ кишининг исми шарифини яхши билган ва муомалада қўллаган Жим Фарлидан ҳам кўпроқ банд бўлмасак керак!..

Умуман олганда, суҳбат мурожаат қилишдан бошланади ва унинг қандай давом этиши кўпроқ мана шу биринчи сўз билан боғлиқ бўлиб қолади.

**Сиддиқ МЎМИНОВ, филология фанлари доктори, профессор**

*Эшитдингизми, ўқидингизми?*

### АГАМУРОДОВ «ПАХТАКОР»ДАН КЕТДИ

Миллий чемпионатимизнинг амалдаги ғолиби – «Пахтакор» жамоаси бош мураббийи Тачмурод Агамуродов ўтган ҳафта охирида ўз ўрнини тарк этди. Маълум бўлишича, туркманистонлик мутахассис Россиянинг «Крилья Советов» клуби мураббийлар штабида пайдо бўлган. У билан бирга «Пахтакор»да фаолият юритган Игорь Хомуха ва Владимир Головешкин ҳам Самарага йўл олган.

Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, Т.Агамуродов самараликлар бош мураббийи Гаджи Гаджиевга ёрдам бериши, ҳатто унинг ўрнига бош мураббий этиб тайинланиши мумкин. Шу ўринда, энди «Пахтакор»га ким бош мураббийлик қилади, деган савол туғилиши табиий. Пойтахтлик футболчиларни яқиндагина терма жамоа бошқарувидан озод этилган Равшан Ҳайдаров вақтинчалик бошқариб турибди. Бугун-эрта жамоага янги бош мураббий тайинланиши кутилмоқда.

Энди «Пахтакор»даги ўзгаришлар ҳақида. Александр Гейнрих ва Умид Исоқов жамоа билан хайрлашган. «Трактор»нинг иқтидорли ҳужумчиси Павел Соломин машғулотларда иштирок этмоқда. Шунингдек, биринчи даврани «Навбаҳор» сафида ўтказган Ярослав Крушельницкий билан ҳам музокара олиб бориляпти. Яна бир янгилик. Жамоанинг етакчи ҳимоячиларидан бири Бахтиёр Ашурматов «Крилья Советов» клубига таклиф этилган. Ҳозирча унинг Россия жамоаси билан шартнома тузган ёки тузмаганлиги тўғрисида аниқ маълумот йўқ.

***Оила йўқки, ўртада гап қочмаган бўлса. Шунинг учун кексалар: «эр-хотиннинг уруши, дока рўмолнинг қуриши», дейдилар. Бугун жанжаллашиб қолсалар, эртага яна ярашиб кетаверадилар. Шу маънода жиноят қонунчилигига ярашув институтининг киритилиши айни муддао бўлди.***

*Буни ҳаёт дейдилар*

## ДОКА РЎМОЛНИНГ ҚУРИШИ

У жиноий-ҳуқуқий муносабатларни эркинлаштиришда самарали восита бўлиб, ярашув жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини камайтиришда, жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг кенг қўлланишига имкон яратди. Ярашув институти - бу жиноий жавобгарликдан озод этиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги аниқланмай туриб, жиноят ишининг тугатилишига асос бўлади. У такрорийлик белгисини берадиган жиноятларга татбиқ қилинмайди. Ярашув институти Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг $66^1$-моддасида назарда тутилган жиноятларнинг бирини биринчи марта содир этган шахсга нисбатан қўлланади. Тажрибада бундай ишлар талай.

Судланувчи Болтабой Маратов ярим тунда уйига келиб рафиқаси Бибисалтан Жумамуротовани арзимас сабабни баҳона қилиб, тўполон кўтарди ва енгил тан жароҳати етказди. Жанжалга аралашган ўғли Зокир ҳам калтакдан бенасиб қолмади. Шундан сўнг онабола маълум муддат бировларникида яшаб юришди ва ҳовурларидан тушгачгина уйга қайтиб келишди. Зўравон Болтабой гўё қуюлиб қолгандек эди.

Бироқ Бибисалтаннинг аразі Болтабойга таъсир қилганди. Шўрлик Бибисалтан бир ҳафта тўшакка михланиб ётди. Бу хатти-ҳаракати билан фуқаро Б. Маратов Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 110-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни тўлиқ содир этган эди. Фақат жабрланувчи ҳеч қаерга мурожаат этмагани учун ҳаммаси ёпди-ёпди бўлиб кетди.

Бадан яраси битди. Эр-хотин муносабатлари боз-боягидай бўлиб кетди. Лекин ҳамма бало шундаки, Болтабой қўлларига эрк бераверib, ўрганиб бўлганди. Боз устига унинг отаси Жумабой ҳам хурмача қилиқ қилиб набираси Зокирнинг бошига стулча билан туширса бўладими!

Ўша куни ота-бола эшикдан пишқириб киришди. Жаҳл уларнинг кўзини кўр қилиб қўйганди. Эр тикка хотинига ташланди.

- Нимага мендан хабар олмайсизлар!

- Вой, қўйворинг, ўлиб қоламан! - деб чинқирди Бибисалтан. Эр сочларидан тортиб судради. Онасига раҳми келган Зокир ҳам калтакдан бенасиб қолмади.

Пировардида иш судга етиб келди. Ҳужжатлар синчиклаб ўрганилди. Жабрланувчилар яқин қариндошлари устидан ариза беришдан бош тортдилар. Шунингдек, улар судланувчилардан моддий-маънавий зарар талаб қилмасликларини, уларга ҳеч қандай даъволари йўқлигини, аниқроғи, уларни кечирганликларини таъкидлашди. Судланувчилар эса ўз қилмишларига тўла иқрор бўлдилар. Шундан сўнг суд далилларга таяниб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодексининг 585, 586-моддаларини қўллаб ажрим қилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 109-моддаси 2-қисми, 110-моддаси 1-қисми билан айбланган Болтабой Маратов, Жиноят Кодексининг 109-моддаси 2-қисми билан айбланган Жумабой Маратов жабрланувчилар Бибисалтан Жумамуратова ва Зокир Маратовлар билан ўзаро ярашганлиги учун ярашганлик битими ва суд баённомаси тасдиқланди. ЎзР ЖКнинг $66^1$ моддаси талабларига мувофиқ Б. Маратов ва Ж. Маратовлар жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Ушбу жиноий иш кўришдан тўхтатилди.

Бир қарашда ўз яқинларига жабр-ситам ўтказган судланувчилар қилмишларига яраша жазо тортишлари keракдек. Лекин кейин-чи? Ким кўпроқ жабр кўради? Жиддийроқ ўйлаб кўрилса, жабрланувчиларнинг ўзи. Қолаверса, улар кейин эл-юрт ўртасида қандай бош кўтариб юришади? Ана, эрини қаматган хотин, ана, бобосини қамоққа тиққан набира, деб таъна-дашном билан қарашмасмиди одамлар.

Фақат, кези келганда, шаҳар бедарвоза эмаслигини, энди Болтабой ҳам, Жумабой ҳам одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя қилиб юришликларини, акс ҳолда бундан буён кечирилмасликларини унутмасликлари даркор.

**Зуҳра РАҲМОНОВА, Беруний туман жиноий ишлар бўйича суд раиси**



**Деворни баландроқ ураверинг, ўшаларнинг башарасини кўрмайлик.**

**А.ХАКИМОВ чизган расм**

## НИМ ТАБАССУМ

**Машина таъмирлайдиган устахонанинг эшигига ёзиб қўйилипти: «Тормозларни текшириш – уч минг сўм, дафн маросими – уч юз минг сўм. Қиёсла ва ўйлаб кўр».**

* * *

*Иккита дугона гаплашаяпти:*

*– Эшитганмисан, эру хотин бир-бирига гап қайтаришдан олдин ўнгача санаши керак эмиш?*

*– Эшитганда қандоқ! Ҳозиргача қўшниларимиз бизни кун бўйи болаларига ҳисоб ўргатади, деб ўйлашади.*

* * *

**Харидор сотувчига дейди:**

**– Мен сиздан олтита апельсин сўраган эдим. Сиз атига бешта берибсиз.**

**– Олтинчи апельсин ҳам ғўр, ҳам жуда кичкина экан. Барибир, уни ўзингиз ҳам улоқтириб юборардингиз.**

* * *

*– Кирхонада куйлагимни алмаштириб қўйишганга ўхшайди, – деб зорланди эри. – Ёқаси шунақа торки, бўғилиб кетяпман. Бу менинг куйлагим эмас.*

*– Бўлмаган гапни гапирманг, – деди хотини. Куйлак сизники, лекин ўлгудек паришонхотирсиз. Тугманинг тешигидан бошингизни ўтказиб олибсиз.*

* * *

**Бир аёл бир оёқли тиланчига садақа берди.**

**– Ие, – деди у ажабланиб, – кеча ўнг оёғингизда тургандингиз, шекилли. Бугун чап оёғингизда турибсиз?**

**– Рост айтасиз. Аммо икки кун сурункасига бир оёқда тураверсанг жуда толиқиб қоласан, киши.**

* * *

*– Менга ишонаверинг, дўстим, инсон учун ҳамиша тилакнинг рўёбга чиққанидан кўра тилакнинг ўзи гўзалроқ.*

*– Кўриниб турипти, сиз ҳеч қачон шаррос ёмғир қуйиб турганида сўнгги автобус ортидан қувмаган кўринасиз.*

* * *

**– Салимжон, сени узоқдаги туманга ишга жўнатамиз.**

**– Мен бора олмайман.**

**– Нега?**

**– Ўзингиз айтган эдингиз-ку – шу билиминг билан узоққа боролмайсан, деб.**

* * *

*Имтиҳонда:*

*– Қани, турлашга мисол келтиринг.*

*Сукут.*

*– Нега индамайсиз? Савол қийин эканми?*

*– Йўқ, домлажон. Савол-ку қийин эмас-а, жавоб қийин бўляпти.*

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Қашқадарё вилоят кенгаши таълим ва фан ходимлари касаба уюшма вилоят кенгашининг Қарши шаҳар бўйича вакили Ж.Тўрақуловага падари бузруквори **ҚУРБОН ота**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт–матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Тиражи: 7765

Буюртма Г— 616

1 2 3 4 5 6